

АМУДАРЁ БЎЛИМИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ МУАММОЛАРИ

Садиков А. И.

Қорақалпоқ давлат университети

Амударё бўлимининг савдо-сотик муносабатларини ички ва ташқи турларга бўлиб ўрганиш мумкин.

1878 йили Россия империяси Амударёнинг ўнг соҳилида савдо фаолиятини тартибга солиш мақсадида шу йилнинг сентябрда ойида Амударё бўлими бошлиғи полковник Гротенгельм Хива хони Сейид Муҳаммад Раҳимга хат йўллаб, 1879 йил 1 январдан бошлаб савдо махсулотлари учун божлар жорий этилиши ҳақида хабар берди. Унга кўра, мазкур ҳудудда савдо қилувчи барча савдогарлар, жумладан Хива хонлиги фуқаролари ҳам белгиланган тартиб ва ҳужжатлар асосида фаолият юритиши шарт этиб белгиланди [20, 125].

Бож тўловларининг жорий қилиниши орқали савдо тизимини тартибга солиш шу билан бирга иқтисодий манфаатдорлик қўзланган эди. Бўлимда деҳқончилик ва чорвачилик махсулотлари билан ҳафтасига икки марта савдо бўлар еди. Чимбой ва Петро-Александровскда йирик савдо марказлари ҳисобланса, Сарибий, Чимбой, Нукус, Назархон, Шаббоз, Шўрахон ва Бийбазарларда гавжум бозорлар бўлган [21, 75]. 1913-йиллари бўлимда савдо билан 2292 киши шуғулланган бўлиб, умумий товар айланмаси 2,5 миллион сумга етган. 1917-йили эса 5,3 миллион сумга етган [22, 75].

Албатта, савдо муносабатлари бир маромда ва изчил ривожланмаган бўлиб, аксинча, Россия империяси томонидан жорий этилган қатор талаблар таъсирида янада мураккаблашган. Хусусан, қумуш тангалардан қоғоз пулларга ўтиш талаби савдогарлар учун муайян иқтисодий қийинчиликларни юзага келтирган.

Масалан, 1907 йилга оид ҳужжатда Амударё бўлими ҳокими томонидан Хива хонига йўлланган мурожаат акс этган. Унда рус савдогарлари томонидан билдирилган шикоятлар келтирилиб, Хива ҳудудида аҳоли рус қоғоз пуллари қабул қилмаётгани, аксинча фақат қумуш пул талаб қилаётгани таъкидланади [5, 7].

Шу билан бирга, Тўрткўл хазинасидан катта миқдорда (уч миллионга яқин) қумуш пул муомалага чиқарилгани, аммо бу пуллар савдо жараёнида муомалада етишмаётгани ва натижада бозорда пул айланиши қийинлашгани қайд этилади. Шу сабабли, бўлим бошлиғи томонидан қоғоз пулларни мажбурий тарзда қабул қилишни таъминлаш, аҳолига унинг моҳиятини тушунтириш ва ҳатто солиқларни ҳам қоғоз пулда қабул қилишни жорий этиш таклиф қилинади.

Демак, ушбу ҳужжатдан бўлимда хусусан хонликда ҳам бозор муносабатларида пул масаласида жиддий муаммоларга душ келингани маълум бўлади. Аввало, бу ерда қумуш пуллардан қоғоз пулларга ўтиш жараёни осон кечмаган. Чунки аҳоли томонидан янги қоғоз пулга нисбатан ишонч паст бўлган. Ундан ташқари, маълум муддатгача ҳам қумуш ҳам қоғоз пуллар муомалада бўлиб турган. Албатта, бу империя томонидан қоғоз пулларга ўтиш босқиси арафасидаги белгиланган муддат эди ҳалос.

Аслида бу муаммо ундан олдин ҳам давом этиб келаётган эди. 1902-йилги ҳужжатда Амударё бўлими бошлиғи Хива хонлигига қилган мурожаатида савдогарлар турли хил пул бирликлари – Хива ва Бухоро тангалари ўртасида аниқ нисбат белгиланмагани сабабли савдо жараёнида қийналаётгани қайд этилади [11, 4].

Шу муносабат билан савдода қўлланиладиган пулларнинг аниқ қиймати ва ўзаро нисбати белгилаб олинishi зарурлиги таъкидланади. Ҳужжатда, шунингдек, Бухоро амалиёти мисол сифатида келтирилиб, у ерда пул муомаласи нисбатан тартибга солингани қайд этилади. Натижада, ўзаро келишим асосида Хива тангасининг қиймати 14 тийин деб белгилаш таклиф қилинади. Бу мурожаатга жавоб сифатида Хива хонлиги томонидан ҳам розилик маносидаги расмий хат юборилган [12, 5].

Кейинчалик 1902 йил 4 февралдаги ҳужжатда [10, 3]. Амударё музофоти ҳокими томонидан солиқ тўловлари масаласида муайян тартиб жорий этишга уриниш кузатилади. Унда хонлик тўланадиган солиқларни Хива тангасида ҳам, рус пулида ҳам тўлаш имкониятига эга эканлиги қайд этилади. Шу билан бирга, агар тўлов тилла пул билан амалга оширилса, унинг қиймати аниқ белгилаб қўйилиб, ҳар бир тилла 1 манат 24 тийинга тенг деб ҳисобланиши кўрсатилган. Қоғоз пулларга ўтиш даврида кейинчалик қалбаки пулларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди. Масалан, 1895-йили бўлим бошлиғи хонликни қалбаки пуллар пайдо бўлганидан огоҳлантирган. Унга кўра, ҳақиқий ва қалбаки пулларнинг шакли ва сифати қандай бўлишиги тушунтирилган [8, 1]. Бозор шароитига келсак, бозор бўлимининг йирик шаҳарларида ҳафтада икки кун жума ва душанба кунлари бўлган. Чарво ҳайвонлардан от, туя, қўй, сигир ва эчки каби уй ҳайвонлар бозорларга чиқарилган. Дон махсулотларидан буғдой, жўхори, тарик ундан ташқари, қуритилган мевалардан ўрик, жийда ва бошқа махсулотлар ўрин олган [23, 41]. Ундан ташқари, идиш-товоқ, кийим-кечак, асбоб-усканалар ва хунармандчилик буйимлари ҳам сотилган.

Ташқи савдода ҳам бир қанча имкониятлар кенгайди. Бўлим ва Хива хонлиги ўртасидаги савдо муносабатларида эса бир қанча зиддиятли вазиятлар кўзга ташланади. Масалан, 1908 йилда Амударё бўлими бошлиғи Хива хонига хат йўллаб, Россия савдогарларининг Хива ҳудудидаги савдо фаолияти билан боғлиқ масалани кўтарган [6, 2]. Хатнинг мазмунига кўра, 1873 йил 12 августда тузилган шартноманинг 9-моддасига таянилиб, Россия савдогарлари Хива ҳудудида савдо қилганида маҳаллий амалдорларга закот ва бошқа солиқлар тўламаслиги кераклиги эслатилади.

Шу асосда, қўқ тамаки ва носвой сотувчи рус савдогарларидан ҳам солиқ олинмаслиги лозимлиги айтилади. Шунингдек, махсус рус тиббиёт ходими Иванин Угрудныйнинг тиббий хулосасига кўра, носвой инсонга зарарли ёки маст қилувчи модда сифатида баҳоланмаслиги таъкидланади.

Ушбу ҳолатда носвойнинг маст қилувчи ёки зарарли модда сифатида баҳоланмаслиги масаласининг алоҳида кўтарилиши, аслида бундай турдаги махсулотларнинг хонлик ҳудудида истеъмоли ёки савдоси шариат қонунларига зид эканлигидан келиб чиқиб айтилган. Яъни бу турдаги маст қилувчи ва гиёҳванд моддалар хонлик ҳудудида шариат нуқтаиназардан тақиқланган. Бу эса рус савдогарларининг манфаатларига зид эди.

Чунки хонлик ҳудудида ичкилик сотиш ва сақлаш ман қилинган эди. Хужжатларда келишича, Мирзабоши ҳудудларда ичкилик сотилиши ва истеъмолини назорат қилган [13, 3].

Аммо 1914-йилги хонлик девонхона хужжатларини ўрганишимиз асносида маълум бўлишича, Амударё бўлими ҳокими хонлик ҳудудида ичкилик масаласини қаттиқ назорат остига олган мазмундаги хатларни топдик [14, 5]. Аслида бу ҳам ичкилик савдоси манаполясини назорат қилиш ёки ҳудудда фақат руслар олиб кирадиган ичкиликни урфга киришини мақсад қилган бўлиши мумкин.

Кейинги хужжатларда шариат талабидан келиб чиқиб носвой ёки шунга ўхшаш моддаларнинг таъқиқини бекор қилишини сўраб бўлим бошлиғи Галусанофскнинг хонга мурожаати ҳам келган.

Худди шундай ҳолат 1899-йилги хужжатда ҳам акс этади. Хужжатнинг мазмунига кўра, Амударё бўлими ҳокими Палковник Галкин Хива хонидан Қўнғиротда қозоқларнинг илтимосига биноан ароқ дўкани очиб беришини илтимос сўраган [9, 1]. Мазкур ҳолатда Амударё ҳокимининг Хива хонига Қўнғирот шаҳрида ароқ дўкони очиш масаласида мурожаат қилиши диққатни тортади. Чунки Қўнғирот Амударё бўлими ҳудудига эмас, балки бевосита Хива хонлиги тасарруфига қарашли шаҳар ҳисобланган. Шунга қарамадан, Амударё бўлими ҳокими хонлик фуқароларининг илтимосига кўра, бу масалага аралашуви аслида нотўғри иш.

Айни пайтда, мазкур илтимос расман қозоқ аҳолисининг талаби билан изоҳланган бўлса-да, унинг асл моҳияти иқтисодий манфаатлар билан боғлиқ экани очик-ойдин кўриниб турибди. Хусусан, ароқ дўкони очиш ташаббуси ортида рус миллатига мансуб фуқаролар ва рус савдогарларининг манфаатлари ётар эди.

Яна шундай зиддиятли, мураккаб вазиятлардан бири 1902 йил 5 сентябрда Амударё бўлими ҳокими полковник Галкин томонидан юборилган мурожаат хатида кўришимиз мумкин [4, 29]. Ушбу хатда айтилишича, рус савдогарларининг 260 қути жом (товар) махсулотлари Хива савдогарлари томонидан сотиб олинмаслиги балки, тўғридан-тўғри Масква шаҳридан келтириш ниятлари борлиги қайд этилади. Бу фикрни илгари сурган шахслар Сафо ўғли ва Тожиниёз ўғли номлари келтирилади.

Полковник Галкин ушбу вазият юзасидан аниқ маълумот беришни ҳамда хонликда ҳақиқатдан рус савдогарларининг ҳуқуқи чекланганми деган мазмунда тушунтириш талаб қилган.

Демак, ушбу хужжатлардан маълум бўладики, барча ҳолатларда империя учун биринчи навбатда рус савдогарларининг манфаатлари устувор аҳамият касб этган. Уларнинг қулай савдо қилиши ва шаҳарларга махсулотларини олиб кириши ва сақлаши учун керакли имкониятлар яратилган.

Архив хужжатларда Амударё бўлими бозорига кириш ва у ерда савдо фаолиятини амалга ошириш мақсадида рус савдогарлари томонидан турли аризалар ва мурожаат хатлари берилиб тургани ҳақида бир қатор хужжатларга дуч келиш мумкин. Жумладан, 1879 йил 22 сентябрда Казалинскдан бўлган савдогар Николай Иванов Амударё бўлими бошлиғига мурожаат қилиб, 1880 йилдан бошлаб савдо молларини сақлаш учун склад куриш ва бозорда вино ҳамда шу каби ичимликларни сотишга рухсат сўраган [1, 2]. Шуниндек, Шушенское аҳолиси вакили Анна Пригаревна Заркарёва келаси 1880 йилда савдо растасида фаолият юритиш учун рухсат беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган [3, 6]. ва шунга ўхшаш бир қанча мурожаатларни кўришимиз мумкин. Айрим савдогарларнинг волост ҳокимлари савдогарлар учун етарли эътибор қаратмаганлигидан шикоят аризалари ҳам бор. Масалан, *«Нукус волости хизматчиси бизларга савдо молларимизни ўтказиш ва сотиш масаласида яхши хизмат қилмади»* деб норози эканини айтиб шикоят ёзган [2, 3].

Албатта, маҳаллий савдогарларнинг ҳам ички ва ташқи савдодаги рўли ва нуфузи ортганлигини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Чимбой участкасининг таниқли савдогарларидан Убайдулла Камалов, Шинигул Халлеков, Халмурат Хожамбердиев, Шўрахон участкасидан Р.Мағзумов, Б.Аллакулов, С.Аминов, К.Салиев, А.Райымқулов ва бошқаларни келтиришимиз мумкин [22, 77]. Шўрахонли А.Райымқулов 1916-йили 59 вагон пахта сотган ва ўз заводида бошқаларга тегишли 14 вагон пахтани қайта тозалаб берган [22, 75].

Хулоса. Амударё бўлимида бозор иқтисодиётининг шаклланиши мураккаб ва зиддиятли жараён бўлган. Пул муомаласида қумуш тангалардан қоғоз пулларга ўтиш, турли пул бирликларининг бир вақтда муомалада бўлиши ҳамда уларнинг қийматини белгилашдаги муаммолар иқтисодий барқарорликка салбий таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, Россия империяси иқтисодий сиёсатининг жорий этилиши бозор муносабатларини тартибга солишга хизмат қилган бўлса-да, маҳаллий анъанавий иқтисодий тизим билан зиддиятлар юзага келган. Умуман олганда, ушбу жараёнлар Амударё бўлими иқтисодий тарихини ўрганишда муҳим манбашунослик аҳамиятига эга.

АДАБИЁТЛАР

1. Архив манбалари

1. ЎзР МДА. I-907-фонд, 1-рўйхат, 131-йиғма жилд, 2-варақ.
2. ЎзР МДА. I-907-фонд, 1-рўйхат, 131-йиғма жилд, 3-варақ.
3. ЎзР МДА. I-907-фонд, 1-рўйхат, 131-йиғма жилд, 6-варақ.
4. ЎзР МДА. I-125-фонд, 1-рўйхат, 143-йиғма жилд, 29-варақ.
5. ЎзР МДА. I-125-фонд, 1-рўйхат, 245-йиғма жилд, 7-варақ.
6. ЎзР МДА. I-125-фонд, 1-рўйхат, 258-йиғма жилд, 2-варақ.
7. ЎзР МДА. I-125-фонд, 1-рўйхат, 258-йиғма жилд, 3-варақ.

8. ЎзР МДА. I-125-фонд, 2-рўйхат, 331-йиғма жилд, 1-варақ.
9. ЎзР МДА. I-125-фонд, 2-рўйхат, 334-йиғма жилд, 1-варақ.
10. ЎзР МДА. I-125-фонд, 2-рўйхат, 336-йиғма жилд, 3-варақ.
11. ЎзР МДА. I-125-фонд, 2-рўйхат, 336-йиғма жилд, 4-варақ.
12. ЎзР МДА. I-125-фонд, 2-рўйхат, 336-йиғма жилд, 5-варақ.

II. Хива давлат Ичан-қалъа тарихий меъморий музей-қўриқхонаси материаллари

13. ХДИҚТММҚ, КП, 3958/3.
14. ХДИҚТММҚ, КП, 3958/6.
15. ХДИҚТММҚ, КП, 3958/7.
16. ХДИҚТММҚ, КП, 3958/8.
17. ХДИҚТММҚ, КП, 3958/9.
18. ХДИҚТММҚ, КП, 3958/10.
19. ХДИҚТММҚ, КП, 3958/11.

II. Нашр этилган манбалар

20. Тўхтаматов Т. Амударьинский отдел (социально-экономическое и политическое значение для Хорезмского оазиса). – Нукус, 1977. – Б. 125.
21. Сарыбаев Қ. Қарақалпақстанда жер-суў қатнасықлары тарихынан. – Нөкис, 1965. – Б. 89.
22. Қарақалпақстанның жаңа тарихы (Қарақалпақстан XIX әсирдің екінші ярымынан XXI әсирге шекем). – «Қарақалпақстан» баспасы, Нөкис, 2003. – Б. 75.
23. Нурмухамедов М. К., Жданко Т. А., Камалов С. К. *Қарақалпақ*. – Ташкент: «Фан», 1971. – С. 41.

Аннотация. Ушбу мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Амударё бўлимида бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва пул муомаласи билан боғлиқ муаммолар архив ҳужжатлари асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотда савдо муносабатлари, пул бирликлари алмашинуви, қоғоз пулларга ўтиш жараёнидаги қийинчиликлар ҳамда Россия империяси иқтисодий сиёсатининг таъсири ёритилган. Шунингдек, бозор инфратузилмаси ва савдо марказларининг ривожланиш динамикаси ҳам ўрганилган.

Калит сўзлар: бозор иқтисодиёти, пул муомаласи, савдо муносабатлари, қумуш танга, қоғоз пул, архив ҳужжатлари.

Аннотация. В данной статье на основе архивных источников анализируются процессы формирования рыночной экономики и проблемы денежного обращения в Амударьинском отделе в конце XIX – начале XX века. Рассматриваются особенности торговых отношений, переход от серебряных монет к бумажным деньгам, трудности денежного обращения, а также влияние экономической политики Российской империи. Также изучается развитие торговой инфраструктуры и деятельность местных торговых центров.

Ключевые слова: рыночная экономика, денежное обращение, торговые отношения, серебряная монета, бумажные деньги, архивные документы.

Abstract. This article analyzes, based on archival sources, the formation of the market economy and problems of monetary circulation in the Amu Darya Division in the late 19th and early 20th centuries. It examines trade relations, the transition from silver coins to paper money, difficulties in monetary circulation, and the impact of the economic policy of the Russian Empire. The study also highlights the development of trade infrastructure and local market centers.

Keywords: market economy, monetary circulation, trade relations, silver coin, paper money, archival documents.